

---

## **Шахсга зўравонлик қилиш - оғир жиноятдир**

2023 йил апрель ойида Ўзбекистонда оиласвий зўравонлик, болаларни жинсий зўравонликтан ҳимоя қилиш ва жинсий жиноятлар учун жазоларни кучайтирувчи қонун қабул қилинганди.

Ушбу қонун қабул қилиниши ортидан аёллар ва болаларга нисбатан содир бўлаётган зўравонликларнинг тўлиқ қўриниши намоён бўлиб қолди. Жумладан, биргина 2023 йилнинг ўзида Ўзбекистонда аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазиқ билан боғлиқ 2638 та жиноят иши ҳамда 10 091 та маъмурий хукуқбузарлик иши кўриб чиқилган. МЖТКнинг 59–2-моддаси (оиласвий (маиший) зўравонлик) билан 4343 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 2344 нафарига жарима, 1999 нафарига эса маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган. Жиноят кодексининг 126–1-моддаси (оиласвий (маиший) зўравонлик) билан 134 нафар шахс судланиб, уларнинг 51 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 83 нафарига эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

2024 йилнинг биринчи чорагида эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-1-моддаси билан шаҳвоний шилқимлик қилишда айбланган 318 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Қонун ишламоқда. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда аёлларга ва болаларга нисбатан зўравонлик, шилқимлиқ қилиш ҳолатлари учун жазо муқаррарлигини кўрсатиб бермоқда.

**З.Равшанов**

**Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг судьяси**

2024-05-30 07:25:03